

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҒАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 62 (65938)
1996 йил, 28 август, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Истиқлолнинг 5 йиллигига

ВАТАН

МЕНИНГ

ХОТИРЖАМЛИГИМ

Мустақилликнинг 1 йиллиги нишонланган улуг кунда мен 1-синфга боргандим. Ушанда эндигина 5 ёшга тулгандим. Бугун истиқлолнинг 5 йиллигини 5-синф ўқувчиси сифатида кутиб олам. Тўғри, бошида қийналдим. Лекин 4 яшарлигимда дадамнинг ёрдамларида ҳарфларни таниб олганим кумак берди. Кейин бобом ҳар кунни укам иккаламизга дарс қилдирадидлар. Менинг баҳонамда укам ҳам 3 ёшида ўқишни ўрганди.

Бобом полизда иш қилсалар ҳам укам иккаламизни ёнларида чақириб, турли ҳикоялар айтиб берар, шеърлар ёдлатардилар. Амир Темур салтанати темурийлар, Самарқанд тарихи ҳақида қизиқарли воқеаларни сўзлардилар. Шу тариқа биз тарихга жуда қизиқиб қолдик. Ватан ҳақида дарс ўтганимизда ўқитувчимиз Наргиза опам миллий қаҳрамонларимиз Тумарис, Широқ, Амир Темур ҳақида гапирдилар. Кейин бизга «Ватан деганда нимани тушунасизлар» деб савол бердилар. Мен Ва-

тан-аввало ота-онамни, оилани, укамни яхши қуришим дедим.

Телевизорда урушларни курсатишса доимо қўрқиб кетаман. Бир кун Темур аямдан «Аяжон, қадимда Тумарис ва Темурлар подшоҳ бўлишган, улар ҳам уруш қилишганми?», деб сўради. Шунда аям: «Йўқ, улар ўз Ватанларини ҳимоя қилганлар», дедилар. Мен авваллари Мустақилликни тушунмасдим. Энди билдимки Мустақиллик урушсиз ҳаёт, тинчлик бобом ва бувимлар-

нинг сеҳрли эртаклари экан. Ватан эса менинг хотиржам ва қувноқ болалигимни қуриқлаётган юрт экан. Ҳозир мен Мустақиллигимиз нишонландиган кунни орзиқиб кутяпман. Чунки байрам кунни аяжоним, дадажоним ва укам билан бирга Мустақиллик майдонига борамиз.

Мен байрамга атаб ёдлаган Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон — Ватаним, маним» шеърини дарага чиқиб айтиб бераман. Сиз ҳам келинг, эшита-сиз.

**Тўмарис
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
265-мактаб ўқувчиси.**

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДИМИЗ

Олмалиқ шаҳрида ўтказилган «Санъат байрами»да тоғ-металлургия комбинати қошидаги рақс дастаси голиб деб топилганда, қизлар ҳар галгидан кўпроқ севишиди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки даста аъзолари мустақиллигимизнинг беш йиллиги ўтказиладиган байрам тантаналарида иштирок этиш учун йулланма олгандилар.

Бу дастанинг ташкил бўлганига бир йил тулади. Шу қисқа вақт мобайнида ўз репертуарларини бойитиб, боғчаларда, мактабларда, ҳатто «Металлург» номли саройда ҳам концертларини намойиш этишга улгуришди.

— Дастамизда 35 нафар қатнашчимиз бор, — дейди дастанинг бадиий раҳбари Кукобина Валентина Владимировна. — Қизларимиз шаҳримиздаги 5-, 14-, 15-, 16-, 23-

мактабларнинг 4—5-синфиди ўқишади. Турли миллат вакиллари бўлган бу қизлар миллий рақсларни ҳам маромига етказиб ижро этишяпти.

— Истиқлол байрамида иштирок этаётганимдан жуда хурсандман, — дейди булажак раққоаса қиз Мадина Давлатмуродова. — Бу тантана менда ва дўгоналарим Юля Шпакова, Татьяна Котельникова кабиларнинг хотирасида ажойиб воқеа бўлиб муҳрланиб қолишига ишонаман.

Дилафрўз РАХИМОВА



МАКТАБ

Усмон Юсупов туманидаги Норча Нуриддинов номли мактаб жамоаси ажойиб ташаббус билан чиқди. 1-синфга илк бор қадам қўяётган 75 нафар бола-жонларга учинчи мавсум учун оромгоҳ ташкил қилишди. Бундан мақсад, кичкинтойларни мароқли дам олиши билан бирга 1-синфга тайёрлаш, мактаб ҳақида маълумот бериш, асо-

МЕНИНГ ҲАМ АЙБИМ БОР ЭДИ.

Мартнинг охирлари эди.

Синф раҳбаримиз Карим ака қовоғи солиқ ҳолда кириб келди-да, кулидаги журнални столга «тап» эткизиб ташлади. Анча вақтгача асабийлашиб утирдим. Синфда ҳамма жим, ҳамма хафа. Эрта тонгда эшитганимиз-қишлоқ узра тарқалган синфдошимизнинг бевақт улими ҳақидаги хабар ҳаммамизни оғир гамга чуқтирган эди.

Мақсуда синфимиздаги энг аълочи ва энг яхши қиз эди. У доим бировга яхшилик қилсам дерди. Бир кун дарс пайти тусатдан уйга кетиш учун жавоб сўради. Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. У дарс пайти сира жавоб сўрамасди. Эҳ, у ушанда биринчи ва охириги марта жавоб сўраган экан. Ушанда у биқинини ушлаб олган, лаблари кукариб кетган эди. (Кейин билсак оғриқнинг зуридан, тишлайверганидан экан). Кейинги дарсимиз очиқ дарс бўлиб, унга мактабимиздан бир-иккита ўқитув-

Бизга ёздилар

ОРОМГОҲИДА

сийси эски ўзбек ёзувига асосланган латин алифбоси ҳақида тушунтириш эди.

Оромгоҳда болажонларнинг яйраб уйнаши, дам олиши учун барча шароитлар яратилди. Уларга тажрибали муаллимлар, Истам Ҳайдаров, Муҳаббат Баротова, Комила Турובה, Зу-

лайҳо Тилобова, Меҳрибон Холмуродова ва Зилола Янгиевалар дарс машғулотларини, мусиқа сабоқларини, турли хил спорт уйинларини утиштиради. Бундан жажжи кичкинтойлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам бирдек хурсанд бўлишяпти.

**Файзулла ЭШКУЛОВ,
Кашқадарё вилояти,
Усмон Юсупов тумани.**



чи билан тумандан келган комиссия ҳам кириши керак эди. Ўқувчиларнинг билим савиясини текшириш учун қуйилган бу дарс Мақсудасиз ўтиши мумкин эмас эди.

Карим ака унга рухсат бермади.

Кутилгандек очиқ дарсимиз яхши ўтди. Мақсуда туфайли ҳамма «билимдонлигимиз» учун мақтов эшитдик. Дарс тугагач Мақсуда менга: «Негадир биқиним ёмон санъияпти», деди. Биз уйга тарқалдик.

Уша кунни кечқурун Мақсудани туман касалхонасига олиб боришибди. Шифокорлар уни бирданига жарроҳлик хонасига олиб кириб кетишибди. Қуричаги ёрилиб кетган экан. У жарроҳлик столида бевақт ёруғ дунедан куз юмибди.

Шифокорлар унинг ота-онасини роса уришибди: «...агар


эртароқ олиб келганингизда қизингиз тирик қоларди», дейишибди.

Дугонамни дол-фарёд қилиб қаро ерга қуйиб келишди. Синфимиздаги болалар директордан: «Карим ака бизга бошқа дарсга кирмасин», деб талаб қилишди.

Мен кўп кунлар узимга келолмай юрдим.

Шу-шу Мақсуда куз олдимга келар экан, қўзимга доим аччиқ ёш қалқайди. Унинг биқинини ушлаб турганини қурган вақтим Карим акага нимага айтмадим, нега унинг бирор жойи оғриётганини ушанда сезмадим, дейман узимга узим доим. Шунчалар бепарво бўлганим учун ҳалигача узимга келолмаяпман.

**ДИЛНОЗА ШОДИЕВА,
Ургут туманидаги,
40-ўрта мактаб.**



Мустақил республикамиз учун қандай таълим керак? Бу соҳадаги ислохотлар қайси йўлдан бориши, жамият учун қандай вазифаларни ҳал қилиб бериши зарур? Энг аввало истиқлол таълими ўзбек халқининг асрлар оша шаклланган педагогика анъаналарини, унинг бой тарихи, тили, маданияти, миллий қадриятларини узида акс эттира олиши, унда

шарқнинг буюк мутафаккирлари маърифий қарашлари тула намоян бўлиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, таълим бизда узининг эски узанларига қайтиши, жаҳоннинг буюк ақл соҳиблари томонидан яратилган билим дурдоналаридан еш авлодни баҳраман қилиши, тарбия эса доно халқимизнинг бой мафкуравий ва ахлоқий анъаналари асосига қурилмоғи лозим.

Халқ учун нондан сунг энг муҳими мактабдир, деган эди донишмандлардан бири. Аслида ҳам шундай. 25 йилдан буён ўқувчиларга сабоқ берар эканман, ҳаётимнинг энг завқли, шиддатли лаҳзалари мактаб билан боғлиқ.

Турғунлик йилларидаги огир дамлар, елгонлар куп қатори менга ҳам қаттиқ зарба булган эди. Узингиз ўйланг, ичингиздаги ўқувчига асраган ҳақиқатингизни суйлаб беролмасдан, аксинча давр ногорасига ўйнаб масъум юракларга шу ногора садосида кириб бориш нақадар огир эди.

Шукрлар булсинким, истиқлол нафаси куксимга тегди. Хурриятимиз бизнинг кунглимизда неча йиллардан буён ётган ҳақиқатни баралла айтишга изн берди. Қалблар ойнасидаги губорлар кетди. Йўқолган қадриятларимиз қайта тикланди.

Айни пайтда дарсга кирар

ҚАЛБ ОЙНАСИ БЕГУБОР БУЛСИН...

эканман, ўқувчиларим кузидаги ишонч, талаб мени қувонтиради. Ҳар бир утаётган дарсимни аввало тарихий жараёнда, эркин, болаларнинг қизиқиши йўналишида беришга ҳаракат қиламан.

Математика фани сал мураккаблиги билан ўқувчиларнинг ҳаммасига бирдай ёқмаслиги мумкин. Аммо уни қизиқарли, ёқимли усулларда утиш мумкин. Мен ҳар бир дарсни уз методимдан келиб чиқиб, бобомиз Форобий дарсликларига таянган ҳолда, эътиборни жалб қилувчи қизиқарли воқеалар асосида ўқувчиларга етказишга ҳаракат қиламан. Замонавий ўқув кургазмалари билан жиҳозланган ўқув-хонасида ҳар бир дарс компьютер асосида олиб борилади. Соддаликлдан мураккабликка интилиш жараёнида

болалардаги интилишнинг усиши мени қувонтиради. Бошида математика фанини чўчиб қабул қилган ўқувчилар секин аста фанга берила бошлайдилар. Худого шуқур, ҳар йили камиди 15 та шогирдим математика фанига тааллуқли касб эгалари бўлиб етишадилар.

Ҳар йили буладиган олимпиадаларга қатнашиб совринли уринларни эгаллашади.

Элмурод Ҳожимамаатов, Ҳолида Рузбобоева, Улугбек Султонов, Ҳаётхон Улмасова каби ўқувчиларим математика олийгоҳларига тест синовларини медаларини куриш ниҳоятда ёқимли. Мен мустақиллик шарофати ила том маънодаги чуқур таълим тарбия йўлига кириб бораётган мактаб ўқитувчиларининг барчасига омад тилар эканман, ўқувчига шунчаки ҳақиқат ҳақида айтиб қўйиш эмас, балки ҳақиқатни топишни ургатиш керак дегим келади. Ана ушанда ўқувчи сизга ишонади. Токи ўқувчи сизга ишонмас экан, ҳар қандай дарсни самарасиз деб ўйлайверинг. Зеро, инсон тарбиясининг

Устоз минбари

бош йўли ишончдир. Яна бир нарса: Истак уйғотмайдиган тарбия қалбни ҳароб этадиган тарбиядир. Тарбиячи ишташга ҳам ургатмоғи лозим.

Мен 25 йиллик ўқитувчилик тажрибасидан шуни билдимки, жон куйдириб урганиш ва эзгу иш қилишга тиришқоқлик билан янада такомиллаштишга, ғайрат билан ундан ҳам такомиллиштишга ургатувчи мактабгина бахтиёрдир. Ўқитувчи, қайси фан ўқитувчиси бўлишидан қатъий назар, ўқувчини уз оламига олиб кириш қудратига, аниқроғи, дарс бериш санъатига эга бўлиши керак. Бунинг учун эса ўқитувчи давр шитобига жавоб бера олиши, уз фанини пухта эгаллаган бўлиши керак. Мактабда ўқиётган ҳар бир боланинг келажаги учун йўл аввало мактабдан бошланади. Шунинг учун ҳам келажакка жавобгар шахс ўқитувчи ҳисобланади.

Келажакка хиёнат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Имомназар
Ҳоликназаров,
Фаргона вилояти,
Учкўприк тумани,
Илҳомжан Носиров номли
мактаб ўқитувчиси.**

Гузалик оламида

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ

Қуёш Шарқдан чиқади.

Тонг Шарқдан бошланади. Шарқни Фарб билан туташтирадиган дилларни диллар билан боғлайдиган бир муъжиза бор. Бу — санъатдир. Тамаракхоним, Уста Олим Қомилов, Мукаррама Турғунбоева каби санъатимиз кошонасининг устунлари бошлаб берган ишни давом эттираётган замондошларимиз Франциянинг Париж, Мангтён, Плазави, Жоизак каби шаҳарларда бўлиб, бир неча ҳафта мобайнида карнай — сурнай садолари билан хорижликлар қалбига ҳаяжон улашди. Уч йўналишда уз дастурларини намойиш этган созандаларимиз ўзбек, фаранг ҳамда жаҳон мусиқа санъати дурдоналаридан ижро этиб, миллати, тили турлича минглаб одамларга ҳарорат бердилар. Мусиқанинг сеҳрли тароналари кундузларни оқшомларга, оқшомларни тонгларга улади. Мустақил юрт тароналари жаҳон буйлаб янграётгани дилларни қувонтиради.

М. Маҳсудова

Тарихингиз минг асрлар...

Хю Бернари Аткинс Англияда яшайди. Унинг бобоси Фред Барнар бундан 120 йил илгари Англиядан Хоразмгача булган 9 ярим минг километр йўлни босиб утиб, Хоразм ҳақида ки-

АНГЛИЯДАН ХОРАЗМГА МОТОЦИКЛДА

тоб ёзган эди. Хю Бернар эса бобосининг йўлини такрорлади. Қизиги шундаки, 2500 йиллигини нишонлаётган Хива шаҳрини уз кузи билан куришга ва бобоси «Хивага саёҳат» номли китобда тасвирлаган шаҳар ва аҳолининг бугунги кунини таққослашга уз шахсий мотоциклида келди. Сафар ниҳоясида сайёҳ Хивага ташрифидан олам — олам таассурот олганлиги, бобоси изидан бориб, китоб ёзажани билдирди. Хива шаҳар хокими Эркин Раҳмоновга бобоси ёзган китоб ва Фред Бернарининг Хивага саёҳати акс этган эски географик харитани тақдим этди.

Ҳа, қадим тарих ва бой маданият меросига эга булган Ўзбекистонимизга дуненинг турли бурчагида яшовчи фан ва маданият, илм ва ақл заковат кишилари тобора қизиқмоқдалар. Хива, Самарқанд, Бухоро, Кеш каби қадимий шаҳарларда сақланиб қолган едгорлик билан танишиб, муъжизакор обидаларни яратган уста-ю меъмор, наққошларнинг авлодлари билан ҳамкорлик қилишга интилиш хорижликлар ҳавасилалар.



Ватан менинг хоиржамлигим, - дейди 265-мактабнинг ўқувчиси Тўмарис Худойберганова

Тегирмонга ун тортгани келган 65 ёшли Дехқонбой ота Адҳамжонни узок дуо қилди: «Нондай азиз, нондек қадрли бул, уғлим. Икки дунё кам булмагин. Тегирмонингга куз тегмасин, айланшдан тинмасин. Оллоху акбар». Дехқонбой ота дуосига навбатда турган 20—30 чоғли ҳамқишлоқлари қушилди. Яхши суз — жон озиги. Адҳамжон ҳаққига бундай эзгу тилаклар жуда куп айтилган. 16 ёшли Адҳамжон аллақачон уз меҳнатлари билан қишлоқдошлари назарига тушиб булган. Келинг, сизга еш булатуриб шунча иззат-икрому, обрў-эътиборга эга булган бу бола ҳақида бафуржа сузлаб бераман.

Адҳамжон Собиров Балиқчи туманининг Урмонбек қишлоғида туғилган. Қишлоқдаги 5-урта мактабни бу йил тамомлади. Буш вақтининг узи йўқ. Чун-

ЁШ ТЕГИРМОНЧИ

ки, эл хизматида. Кичик бўлиб, катта тегирмонни бошқаради. Аслида-ку, уйга тегирмон урнатиш дадаси Каримжон ака, онаси Мунисхон опанинг ҳам ҳаслида йўқ эди.

Кунлардан бир кун бир воқеа руй берди. Турт ака-ука Ҳабибулло, Адҳамжон, Акмалжон ва Акрамжонлар телевизор куриб утиришган эди. «Нурли келажак» курсатувида Самарқандлик бир оилани уз хонадонидида тегирмон урнатгани, у эса халқ юмушини енгиллаштираётгани ҳақида тасвирни куриб қолишди. Уша курсатув сабаб бўлдики, самарқандлик тенгдошининг ишларига ҳаваси ошдики, шу кундан бошлаб Адҳамжоннинг ҳаёлида тегирмон урнатиш фикри гувиллаб қолди. Отанасига муддаосини айтди. Ав-

валига улар ўқишга таъсир қилмасмикан деб ўйлашди. Лекин барибир углининг шаштидан қайтармасликка келишишиди. Отанинг узи енига турт уғлонини олиб эзгу ишни бошлаб юбордилар. Уста Араббой ака Топшулатов ердамида бир ҳафта утар-утмас урнатилган тегирмоннинг иш бошлаганига ҳам 2 йилдан ошибди.

Ушанда июль ойлари эди. Ҳамма жойларда ишлар қизгин кетарди. Яхши гап, яхши хабар тез тарқалар экан. Тегирмон ишга тушди-ю, қишлоқдошлари 1 қоп, 2 қоп бугдойлари билан Адҳамжонларникига оқиб кела бошлади. Тегирмон эса тинмай гириллаб айланарди. Адҳамжоннинг кундалик вазифаси осон эмас. Тун ярмидан ошгандан кейин тегирмон ишга тушади. Эпчиллик билан тегирмонни бошқараётган, ҳамқиш-

Хунар—хунардан унар

лоқларининг ҳожатини чиқараётган Адҳамжон эса чарчоқ билмайди. Бир марта юракдан қилинган дуо-ю, раҳмат унинг бутун чарчоқларини унуттириб юборади. Тегирмонда кул меҳнати кам. Соатига 180—200 килограммгача ун тортилади. Акаси, укалари ҳам унга кумакдош. Синглиси Матлуба эса тегирмон ва хонанинг тозалигини доимо куздан кечириб туради. Кундан-кун Адҳамжоннинг тегирмонига, ишнинг сифатига талаб орғиб боряпти. Негаки, унни майда, тоза тортилиши, тез эланиши талабдорларнинг купайишига сабабдир. Тандинларда епилаётган иссиқ бурсилдоқ нонларни куриб, меҳнатингдан узинг ҳам шодланиб юравер, Адҳамжон!

Нилуфар ДАВИДОВА.

БАҲОЛАРИНГ НЕЧЧИ, ДИЛМУРОД?

«БИТИРУВЧИ»

Дилмурод Қучқорович Маҳмудов— 1988 йил 19 апрелда туғилган. Тошкентлик. «Уқчи» кучасидаги махсус 76-мактаб 1-иқтисодга йуналтирилган ҳамкорлик синфи «битирувчи»си. «Битирувчи» 1 синфдан нақ... 3-синфга кучган. Айтишича, уқишлари ёмон бўлмаган. Ҳатто, ишонтириб айтишича, бултур «қарийб аълога» уқиган. 3-синфда ҳам аллақачон зўр уқирдию манави узоқ каникулнинг тугамаётганию дарснинг бошланмаётгани халақит бервотти. Уртоқларини роса соғинган, ҳали бошланмаган мактабга ҳозирок жунаворишга сал қолаётган «битирувчи»га қараб кулгим қистайди. Узини ҳарчанд жиддий тутишга уриниб, «Кимсан?» суровига доим: — Дилмурод Қучқорович Маҳмудов, — деб туғилган йилини ҳатто мучалигача тушунтириб, кейин камига «битирувчи»лигини илова қиладиган Дилмуродга қараб илжаяман. Доим шу. Кўрдимми кунглим яйрайди. Бироз содда, бироз шум, бироз эрка, бироз башанг, бироқ жуда ширин тил, гоят бегубор йигитчада теша тегмаган гап кул. У билан гурунги қилаётганлар аввал мийигида кулишади, кейин тузуккина илжайиб, оғзининг таноби қоча-қоча, ниҳоят куққис, қаҳ-қаҳа отиб юборганини билмай қолади. Дилмуродни кузатиш завқли. У билан гаплашарканман, дунёни бегуборлик эгаллагандай, ҳаммаёқ тоза юракларга туладай туюлади. Уни кўрдимми яйрайман, гаплашдимми маза қиламан. Орамизда антиқа-антиқа суҳбатлар тез-тез бўлиб туради. Узиям нақ тўрт

йилдан бери «уртоқмиз». Тан олишича «энг катта уртоғи» — мен. Гоҳ тоғдан, гоҳ боғдан гаплашарканмиз, гапни гоҳ у обқочади, гоҳ мен.

ГАПНИНГ БУЁҒИ ШУКИ

Мен уни негадир, нуқул «5» баҳога уқийди деб юрарканман. Мен мутлақо кутмаганда Дилмуроднинг иккиси ҳам бор экан. Икки булганда қандоқ? Коп-котта-я?! Кичкина боланинг коп-котта иккиси! Коп-котта, бу унинг уз гапи. Ҳали айтдим-ку Дилмурод жуда содда, жуда бегубор, жуда антиқа, деб. Уҳ, менинг ёш дўстим узича жуда хурсанд. Унинг иккиси ҳатто энг иккиси куп Одил билмасвойнинг ҳамма иккиларидан котта! Жуда котта!

Дилмурод иккиси билан мақтанаркан, менинг жилмайишим табассумга, табассумим кулгига, кулгум қаҳ-қаҳага айланди.

"Икки" кўргазмасидан сал олдин унинг: «Мен-битирувчи» ман. Биринчи синфдан нақ учинчи синфга кучдим. у қ и ш л а р и м ёмон эмас, ҳатто ишонсангиз. қарийб «аъло»га уқидим, дегани ҳам эмас. Қизиги — бундан сал олдин менинг «3» идан ҳайрон булганим эди. Эй, уч баҳо ҳолва экан-ку?

ГАПНИНГ У ЁҒИ

Шуки, орамизда сал олдин шундай диалог булиб урган эди.

— Баҳоларинг неччи? Ие, уч-ку? Нега уч?

— Билмадим...

— Нега уч куйишган?

— Ҳатоларим учунда! Ана орқасида «тур-

тим» ҳам бор.

— Ростданми? (Билиб турсамда, ҳафсалам бироз пирбулиб сурадим.)

МАНА «5»ИМ!

— «Беш»им ҳам бор.

— Йўғей?

— Бор, бор, орқасида.

— Қани?

— Эй, бунда эмас экан.

Бошқа дафтаримда! Ҳозир обчикаман.

Шундай деди-ю югуриб бошқа уйга кириб кетди. Бақирган овози эшитилди. «Ойи «беш»ли дафтарим қани?» Хуллас, дафтарни топиб чиқиб, бармоғини нуқиди.

— Мана «5»им.

— Нимадан «беш» олгансан?

— Иқтисоддан.

— Нимадан «уч»? Яна «уч»ми? («Уч» нимадан олганини дафтар варақлаб кўриб-билиб турсам-да, ҳа, айнан кўриб-билиб туриб, чунки у мен севган фандан эди). Усмоқчиладим.

— «Уч» баҳони она-тилидан олдим. Она тилини яхши уқийман. Жичча яхши уқий олмайман-да. Дилмурод шундай деркан, гуё гуноҳи оғирлигидан лаҳза бошини хиёл эгди. Эгди-ю, айбнинг бир қисмини муаллимига ағдарди: Жуда қийин нарсаларни беради.

— «Турт»ни нимадан олдинг?

— Математикадан.

— «Беш»чи?

— Ҳали айтдим-ку, иқтисоддан деб.

— Иқтисод математикага яқин эмасми?

Мен тушунмадим: олди-сотти-ку майли, бартер, айниқса менежер дегани нима экан?

Сиз ҳам, Дилмурод тенгилар, балки ундан каттароғу кичикроқлар, пайқаяпман, куляпсиз. Воҳх, анави киши менежерни билмаскан. Билмаскан?! Шунга-я?!,-девоссиз.

Ҳали-ҳануз думалаб кулаётган Дилмуродга қараб изза булдим, уялиб кетдим. Дилмурод яна замонага тунков утди: менежерни бизга ургатишмаганда ахир?! Э, Э, кейин билсам уялмасам ҳам буларкан. Дилмуроднинг узи менежер ҳақида нима дейди денг?

Мана унинг жавоби:

— Узун вараққа ёзади иккита одам. Ёзиб, печатлаб беради. Шу...

Воҳх-вах-ҳа-ҳа-ҳа!

Менежер кимлигини ростдан билмасамда: ҳар ҳолда Дилмурод айтгандай: менежер узун вараққа ёзиб, печатлаб берадиган иккита одам» эмас. Гап йўқ, Дилмурод, қойил! У менинг менежерни билмаслигимдан кура купроқ узининг ҳам

билмаслигига кулаётган экан.

Шубҳаланиб қолдим. Менежер кимлигини балки сиз ҳам билмасиз, баъзи Дилмурод тенги, ундан кичигу каттароқлар?! Йўғей... Биласизми? Билсангиз сизга уйга вазифа: (Илтимос, жавобларингизни ёзма жунатинг).

— Менежер ким?

— Дилмурод тўғри айтди-ми?

Энди узингиз айтинг: иккита бирни қўшсак учми, уч. Иккита иккени купайтирсатуртми, турт. Балли! Туртга бирни қўшсак бешми? Беш! Отангизга раҳмат! Дилмуродга шундай ранг-баранг баҳоларни қандай кулга киритдинг, десам, кулиб: уқиб-уқимай, деб жавоб берди. Кейин кулимга «беш»лик дафтарини тутқазди. Тутқазди-ю, бошқа лом-мим демади. Мен дафтарни варақлаб ҳарчанд уқимайин, бажарилган уйга вазифадаги аксарият сузларни тушунмадим. Демак, уйга вазифа тўғри бажарилган бажарилмаганини билмадим. Демакки дафтарга куйилган «беш» ҳақида ҳам шу. Хуллас, шунда сиздан ёрдам сурашга қарор қилдим. Тушуниб олишингиз учун уйга вазифани айнан келтираман:

УЙГА ВАЗИФА

Иқтисодий атамаларни ёзиш. Пул, менежер, танга. 2. Ишибилармон бозор. 3. Бизнес, доллар. 4. Қобилият, банкир. 5. Бартер, баланс, Меҳнат, ақлий, жисмоний фаолият.


— Иқтисод

— Шахсий мулк

Дўкон, фирма, реклама

Бизнесмен, шартнома.

Азиз болалар, менинг Дилмурод тенги, баъзи катта кичикроқ. Дилмуроддан бошқа ёш дўстларим, бизга ёзиб жунатадиган мактубингиздаги чақилган мана шу сузлар маъноси батафсил ва батартиб булса, мен ундан анча нарса билиб олсам. Сиздан хатлар кутиб **Урол Ўзбек** акангиз.



МАКТАБИМ

Ташнадирман илмга,
Юраман сени мактаб,
Нур тушадинг йўлимга.
Қадрдон она мактаб!

Меҳринг билан ёш юрак,
Тулиб тошди лиммо-лим.
Бўлиб билимдон, зийрак,
Юлдузга етди қўлим.

Китобингнинг ҳар сатрин,
Уқирканман, дил чўғдир.
Дегайман, билимдан зўр,
Қудратли қурол йўқдир!

Туркистон бир, Ватан бир

ЖАМБУЛ ЖАБАЕВ — УЛУҒ БОБОМИЗ

Болалар! Сиз қозоқ халқининг буюқ оқини Жамбул Жабаевни яхши биласиз. Халқпарвар инсон узининг бир асрлик (1846—1945) умрини, бутун ижодий фаолиятини одамларга бағишлаган. У яратган шеърлар, қушиқлар, уланларда халқ дарду қувончи, орзу умидлари акс этарди.

Жамбул бобомиз болаларга атаб ҳам купгина асарлар битганлар. Улардан баъзиларини сеvimли шоирингиз Музаффар Аҳмад узбекчаша қилиб, таҳририятимизга олиб келибдилар. Уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Етаклаб халқ хаёлин, уйин безаб,
Учмасдай юракларга нақшин тузаб,
Узгалардан ошиб — топшан
фазилати,
Шеърига асил сузни тизган сайлаб.

Ким бу? — деб, орзиқади инсон
дили,
Билгиси келанларга айтиш шуни:
Шопирган Олиповнинг
қушиқларин —
Бу қирғизнинг атоқли Тўқтағули!

Тиёшпун чуққисидай буйи юксак,
Тўқтағулюксак куйининг чуғурури.
Сузлари соф олтиндай кузни тортиб,
Ярқираб, жон балқитиб турар нури.

Эларо мингдан узган югуруги,
Юракни ҳилвиратган тонг булбули.
Асрлар элагидан утган оқин,
Қирғизда куннинг курки, сузнинг
гули.

Теранроқ тикилсангиз шеърларига —
Куринар эл қувончи, элнинг мунги.
Бойларнинг ялпизлаган қилиқидан
Тўқтағул сесканмаган суниб уни.
Эл эзилса — эзилиб йитилганда,
Эл яхши кўрмасинми шунда буни?

Тўқтағул фарёд туккан аччиқ
тилдан,
Золимлар доим изза топган ундан.
Кул-оғин бугуваб пулат занжир,
Айирган тор қафасдан ёруғ кундан.

Сибирнинг совуғида юрган ҳам,
Одил суз Тўқтағулга булди ҳамдам.
Олисан эл қулугин жаранглаптиб,
Янпратди утқир сузни дадил, уқтам!

Уйлсам Тўқтағулдай оқил эрни,
Юрагим тулиб-тошиб қойил дерди.
«Озодлик, озодлик!» деб куйлаб
қутган
Тўқтағул элнинг умиди, элнинг
дарди.

Озодлик замониға етиб эли,
Мана, бугун яшнаб-ғуллаб, қулф
уради.
Улуғ байроқ куз олиб юксакларда,
Тўқтағул орзусидай ҳилпирайди.
Тулдирган Олаповнинг ую-қирин,

Кураман порлаб турган бахтнинг
нурин.
Тенгустан шунқор уғлим, нури
қизим,
Шуларнинг шивиридан эшитаман
Тўқтағулнинг сайроқи булбулуни.

Тинлаган эдик кеча зорли шеърин,
Тинлаймиз бугун мана нури
куйин.

Эл севган эзу нарса исиз қолмас,
Оқин томон етаклаб келди йулим.
Тўқтағулнинг нурмас мақбарига
Шул шеърим — эсталикка қуйган
гулим!

БОЛАЛАРГА

Омонмисиз нури дийдам
чироқларим,
Соҳилда усган гулу
чечакларим.
Ҳафтада бир кўрмасам
юролмайман
Сиз-ку менинг кузу қошим
қароқларим.

Қуноққа келди, мана,
Жамбул отанг,
Куп йиллар юк қутарди
букур гавдам.
Ҳавасим келар сизнинг
даврингизга,
Қувониб сиздан меҳрим
қонар ҳар дам.

Биламан, ҳаётингиз
дориломон,
Кундуз-тун ёшлигингиз
яшнар шодон.
Ой-юлдуз, куннинг кузи,
сув ва ҳаво
Барчаси сизларники,
нурдай аён...

(1937.)

1. Золимларни фош
килувчи шеърлари
сабабли чор
амалдорлари Тўқтағулни
Сибирга ҳайдаган.



ТЎҚТАҒУЛ

Набирам бир китобни ўқиб ётди,
Китоб сузи ҳар кимнинг фикрин
тортди.
Пайқадим, тинлаганнинг қулисиби,
Ҳар суздан бир дуне лаззат топди.
Хуморин ёзиб, жони роҳатланиб,
Қузғалмай фароғатта обдон боғди.
Жон эриб, юрак юмшаб, гавда
титраб,
Вужудни асил сузлар жимиллатди.

Олмосдай ҳар бир сузи ярқ — юрқ
чақнаб,
Покиза ҳиссиетлар сувдай қайнаб,
Тез елди тингловчининг қукайига,
Шиддатини гоҳо чинлаб, гоҳо
қайраб.

(Боши ўтган сонларда)

Қисқаси, уша пайтда биз шаҳарнинг марказида яшардик. Бу уйни дадамга, «санъат арбоби» унвони берилиши муносабати билан тўхта қилишган эди.

Кун пешин эди. Ота-онам ишла, мен уз хонамда эскимослар ҳақида ёзилган ҳикоялар тўшамини ёпиб, магнитофонни қуйган, қизим энди илинган эди. Эшикнинг гўрсиллатиб урилатганидан уйғониб кетдим. Гангиб қолиб, эшикни ким тақиллатаётганини тахминладим. Ахир, уша Аборигенга ташқарида кўнгирак тугмаси борлигини, уни босиб лозимлигини билмаслиги мумкин.

Ҳақиқатан ҳам эшикни очсам, рупарамда, демак, угай тоғам турибди. Юзининг тузилиши, қалин лаблари, япсаки бурни ва рангининг бир қадар қизғинлиги куз олдимга вестерн-фильмлардаги ҳиндуни келтирди. Лекин бу ҳинду менга табасум билан боқар, куз қарашлари майин-меҳрли эди. Бошида эски шляпа, кастюми минг йил бурун урфдан чиқиб кетган, қачондир оппоқ булган куйлагини тугуни муштдек галстуги ҳам уша фильмлардаги ковбой-отбоқарни эслатарди.

— Салом алайкум, жиян, — деб кулини узатди у. Мен куришиб, уйга тақлиф эдим. Унинг қулида сумка, аниқроғи, саквож бор эди. — Кечирасиз, исмингиз нимади, тоға? — деб сурадим кейин. У ҳайрон қолиб:

— Даданг айтмаганми? Аброрман, Аброр тоға деяр, — деди.

— Дадамлар айтгандилар, эсимдан чиқипти... Аброр тоға, марҳамат, утиринг. Мен чой қуяман... — Ошхонага чиққандан кейин уз-узидан танг қолдим: «Е, худо, Аброр — абориген. Мунча ухнаш бу исмлар?»

Сунг заға қайтиб, столга дас-

турхон ёздим. Ҳар хил ширинликлар чиқариб қўяётгудим, тоғам:

— Тоҳиржон, менинг қорним тук, — деди. — Яхшиси, утир у ерга. Гурунг қиламиз. Мен сени сунгги марга кўрганимда турт ёшда эдинг. Ошпоққина эдинг... Мени эслайсанми?

— Йук, — дедим мен. — Лекин сиздай тоғам борлигини билар эдим.

— Яша... Хуш, мана мен сенга нималар опкелдим, — деб саквожени столга қуйиб очдила,

дек энтикиб-энтикиб қуяркан, умрининг купи тоғларда утгани, дадам билан овга боришганлари, тоғ ҳавосининг жудаям тоза экани ҳақида сузларди; у киши Тошкентга ҳеч қачон келмагани ва бу шаҳарнинг бунчаллик катта эканини тасаввур этмагани, фақат телевизорда ҳар хил боғлар, анҳорлар ва кенг кучаларни кўрганини айтarkan:

— Ҳа, пиркниям кўрганман, — деб қолди ҳовлиқиб. — Энди уни уз қизим билан кўрмоқчиман, жиян. Мен, мисол учун, айниқин отанман. Аммо уни

та тураман уйларингга. Жиян, энди ҳамма ажойиботларни узинг кўрсатасан.

Мен хурсиниб, унга тикилдим.

— Хуш, тоға. — Балки эшитган булсанг керак, менда угил йук, лекин бешта қизим бор... Айтмоқчи, эсимдан чиқай дегти, катта қизимга этик олишим керак. У яқинда

Жаҳонгир

фрақат эсаён
аббағули

йирик-йирик, пусти қалин, қизгин апорларни чиқариб қўя бошлади. Бундай серсув апорлар фақат дадам туғилган тоғ ёнбағрида битеди. Менга келсак, бундайларини биринчи бор қуриб туришим эди.

Ниҳоят, столда талай апор тушланиб қолди-ю, сездимки шунда сумкада бошқа ҳеч нарса қолмади: на бирон сидра кийим-бош, на соқололғич, совун, сочик...

Бироздан кейин биз столнинг икки тарафида — бир-биримизга қараб утирган ҳолда суҳбат қилардик.

Тугри, кўпроқ у киши гапирар, уйимиз торлик қилаётган-

қандай қилиб қулга ургатишлари... э, ишонгим келмайди. Ҳатто арслон, ҳатто йулбарсларнинг ургатишаркан-а?.. Айтмоқчи, сен циркка тушганмисан?

Охири марта қачон «тушганим»ни эслолмадим. аммо: — Ҳа, тушганман, — дедим. — Лекин метро ҳам қизиқ... Метро. Ерости поезди...

— Ҳа, биламан. Лекин бир катта қилсак буларкан, — деди тоғам оғзининг таноби қочиб.

— Хуш булади. Катайса қиламиз.

— Уйлайманки, бирон ҳаф-

турмушга чиқади, қолгандари қалиш қийиб юраверсам булади.

— Нечанчи размер кияди қизингиз? — деб сурадим.

— Ҳозир, — деди-да ишпайганича чунтақларини кавлай бошлади. Сунг бир киссасидан узунгина ип чиқарди. — Мана!

— Нима бу?

— Размери. Мен унинг оғини улчаб олганман. Шундан сал кичик.

Лекин кийимнинг каттаси яхшироқ булади, кунга чидайди...

Шундай қилиб, Аброр-Абориген тоғам билан шаҳарни айлана бошладик.

Циркка ҳам тушдик, метро-

га ҳам, ҳатто ҳайвонот боғига бордик. Тоғам музқаймоқни купроқ сб қуйиб, томоғини шамоллатди. Шунда ҳам тинчимас эди: тижорат дуконига кирганда, турли этикларни қуриб, кузлари уйнаб кетди.

Аммо чунтагида бор пули ҳам бир жуфт этикка етмас экан. Тоғам жула диққати ошиб, дукондан чиқди.

— Нимага мунча қиммат-а? Бор-йўғи этик булса... Барибир оёққа илинадиган нарса. Бунга бунча ранг бермасан, э-хе, тақинчоқлариниям осиб ташлашган...

Фаҳимча, ана шу соатдан кейин тоғамнинг феъли айний бошлади:

— Цирк яхши экан-у, бечора ҳайвонларнинг жиндисини чиқаришар экан-да! Жула раҳим келди-е... Уларнинг нодонлигиндан фойдаланишар экан. Бизда бир гунг, гаранг киши бор. Ҳама уни уйига обориб утин ердиради... Эй, жиян, метро нимага тез юриб кетади, а? Сен қулимдан тортмасанг, қолиб кетардим. Одамларнинг шошиб юришларини қара. Бекорга айтишмас экан: Тошкан — одамлари шошган...

— Бирон жойда дам оламизми? — дедим.

— Ҳа, бир қукалам булса. — деди у.

«Ўзбекистон» меҳмонхонаси остидаги чойхонага бошлаб келдим. Чойхона олдидаги ҳовуни қуриб, жула қувонди. Кейин унг томондаги неча-неча хизматчилар қузаб, сувлар, безаб туралган ям-яшил ёнбағрига йул олди.

— Тоға, уни босиб мумкин эмас, — дедим. — Ана, ёзиб ҳам қуйингиз, Штраф...

— Вой-бой! — Абориген оғзини очиб қолди. Кейин кумкук утдоққа роса тикилиди-да, қандайдир хурсиниб билан; — Э, иккита кузи булмади-да, — деди. Маза қиларди... Лекин бу ердай кетайлик, жиян.

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компютерига терилди ва
сахифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0317.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25

